

**“АНДИЖОН 1-СОН ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ  
УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ  
2-СОН БАЁННОМАСИ**

Андижон вилояти, Андижон  
тумани, Гулобод МФЙ.

2023 йил 03 март.

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Андижон вилояти, Андижон тумани Гулобод кўчаси, 2-уйда жойлашган “Андижон 1-сон пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **10:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **10:50**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **11:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 2802826.

“Андижон 1-сон пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш Лойиха офисининг 2023 йил 07-февралдаги СХ-12/87-сонли хатига асосан, кузатув кенгаши томонидан 2023 йил 10 февралда қабул қилинган қарорга мувофиқ ўтказилмоқда Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2023 йил 27 феврал.

Жамият кузатув кенгашининг аъзоси У. Акбаралиев йиғилиш раёсатини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Қурбонов Комилжон Козимжонович - “Андижонпахтасаноат” ҳудудий акциядорлик бирлашмаси” тугатиш бўйича комиссия раиси- Йиғилишда раислик қилувчи;

2. Акбаралиев Улуғбек Абдумуталович – жамият кузатув кенгаши аъзоси;

3. Тўхтасинов Шухратбек - жамият акциядори;

Йиғилиш раёсати аъзоси У. Акбаралиев малака ва тажрибага эга бўлган “Андижонпахтасаноат” ҳудудий акциядорлик бирлашмаси тугатиш бўйича комиссия раиси К. Қурбонов йиғилишда раислик қилувчи этиб ва жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи А.Ботировни йиғилиш котиби этиб сайлаш таклифини киритди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилишда раислик қилувчи этиб К. Қурбонов ва йиғилиш котиби этиб А.Ботиров сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи К. Қурбонов очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни саноқ комиссияси аъзоси А. Ботировга берди.

Саноқ комиссияси ахбороти:

“Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси” томонидан 2023 йил 27 февраль декабрь ҳолатига шакллантирилган “Андижон 1-сон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 1110 та акциядорга тегишли 2802826 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда

2601120 дон а овоз берувчи акцияларга эга бўлган 6 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 92,80 % ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

А. Мамасолиев – жамият бош директори в.в.б;

Б. Хошимов – жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори ;

Йиғилишда раислик қилувчи К. Қурбонов йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

### **КУН ТАРТИБИ:**

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

**Кун тартибидаги биринчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи К. Қурбонов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашинининг 2023 йил 10 февралдаги йиғилиш қарорига кўра саноқ комиссияси таркибига жамиятнинг Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи – А. Ботиров, Бош ҳисобчи Б.Хошимов, Жамият ходимлар бўлими бошлиғи Р.Абидова номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан саноқ комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ўқлаганлар” – 2 601 120 та овоз билан 100 %; “Қаршилар”-йўқ;  
“Бетарафлар”- йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда саноқ комиссияси тасдиқлансин:**

**1) Б. Хошимов;**

**2) А. Ботиров;**

**3) Р. Абидова**

**Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи К. Қурбонов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибида 3 та масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала бўйича маърузачига - 5 (беш) дақиқадан, муҳокама учун -

5 (беш) дақиқагача вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 601 120 та овоз билан 100 %; “Қаршилар”-йўқ;  
“Бетарафлар”- йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамият акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.**

**Кун тартибидаги учинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи К. Қурбонов сўз олди ва жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш учун жамиятнинг 2578600 дона акциядори сифатида ва “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш Лойиха офисининг 2023 йил 07 февралдаги СХ-12/87-сонли хатига асосан “Андижонпахтасаноат” ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг 2023 йил 07 февралдаги 01/13-сонли хатида кўрсатилган номзодлар тўғрисида маълумот берди.

Унга кўра, жамият кузатув кенгаши аъзоси Отабеков Санжарбек Абдурахмонович “Андижонпахтасаноат” ҳудудий акциядорлик бирлашмасидан ишдан бўшаганлиги сабабли, унинг ўрнига жамият кузатув кенгаши аъзолигига янги номзод Қурбонов Комилжон Козимжонович - “Андижонпахтасаноат” ҳудудий акциядорлик бирлашмаси тугатиш комиссияси раиси, номзоди белгиланган тартибда кузатув кенгаши таркибига сайланиши учун кўрсатилган ва кумулятив овоз бериш бўйича бюллетенларига киритилган.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи К. Қурбонов акциядорлардан кузатув кенгашига кўрсатилган номзодларни сайлаш учун ўз муносабатларини кумулятив овоз бериш бўйича тузилган бюллетенлар орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Андижонпахтасаноат” ҳудудий акциядорлик бирлашмаси томонидан кўрсатилган номзодлардан:**

**Қурбонов Комилжон Козимжоновичга:**

**“Ёқлаганлар” – 2 601 120 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

**Жамият кузатув кенгаши аъзолигига қуйидаги номзод сайлансин:**

**“Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш Лойиха офиси томонидан кўрсатилган номзод:**

**1. Қурбонов Комилжон Козимжонович - “Андижонпахтасаноат” ҳудудий акциядорлик бирлашмаси тугатиш комиссияси раиси.**

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи К. Қурбонов акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

**Йиғилишда раислик қилувчи:** \_\_\_\_\_ **К. Қурбонов**

**Йиғилиш котиби:** \_\_\_\_\_ **А. Ботиров**

Йиғилиш баённомаси 2023 йил \_\_\_\_ март куни икки нусхада тузилди.